

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

“Тадбиркорликни ривожлантириш  
компанияси” акциядорлик жамияти

Кузатув кенгашининг

2024 йил “29” февралдаги

2/24 - сон йиғилиш баённига

1 – илова

(Кузатув кенгашининг 2024 йил  
“29” апрелдаги 6/24- сон, “2” октябрдаги  
9/24- сон ва “23” декабрдаги  
11/24- сон йиғилиш баёнлари билан  
ўзгартириши ва қўшимчалар киритилган)

**“ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПАНИЯСИ”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН КАФИЛЛИК ТАҶДИМ  
ЭТИШ ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДАГИ  
НИЗОМ**

**“КИРИТИЛДИ”**

“Тадбиркорликни ривожлантириш  
компанияси” акциядорлик жамияти  
Ижроия органи

**Тошкент – 2024 йил**

## **МУНДАРИЖА**

- 1-боб. Умумий қоидалар
- 2-боб. Кағиллик тақдим этиши тартиби
- 3-боб. Тақдим этиладиган кағиллик миқдорлари ва ундан фойдаланиш шартлари
- 4-боб. Кағиллик учун тақдим этилған буюртмаларни күриб чиқиши тартиби
- 5-боб. Тақдим этиладиган кағиллик учун воситачилик ҳақини олиш тартиби
- 6-боб. Кағиллик бүйіча олинған мажбурияттарни бажарып тартиби
- 7-боб. Кағилликтардан фойдаланишни ҳисобга олиш, ҳисабот беріш ва назорат қилиш тартиби
- 8-боб. Якунловчи қоидалар

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш түғрисида”ги Қонуни, Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 науярданы “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий құллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПФ-193-сон Фармони ва “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Компания) устави асосида ишлаб чиқылган.

2. Мазкур Низом Компания маблағлари ҳисобидан тијорат банклари, лизинг компаниялари ҳамда микромолия ташкилотлари (кейинги ўринларда – ҳамкор ташкилотлар) томонидан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари ҳамда ўзини – ўзи банд қылған жисмоний шахслар (кейинги ўринларда – қарз олувчи)нинг лойихаларига миллий ва хорижий валютада ажратиладиган кредит, лизинг, банк кағолати ва аккредитивларга исломий молиялаштириш тамойили асосида тақдим этиладиган ёрдамлар (кейинги ўринларда - кредит) кафилликни тақдим этиш ҳамда кафилликни тақдим этиш жараёни ва иштирокчиларининг харакатларини тартибга солади.

3. Ушбу Низомда қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Бош битим** — Компания ҳамда ҳамкор ташкилот ўртасида кафиллик ёрдамидан фойдаланишни ўзаро йўлга қўйилиши юзасидан тузиладиган битим;

**кредит** — қарз олувчи лойихаларини молиялаштириш учун фойдаланиладиган ҳамкор ташкилот кредити;

**кичик тадбиркорлик субъекти** — якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар;

**микрофирмалар** — таъсисчилари (иштирокчилари) жисмоний шахслар бўлган ҳамда жами даромади календарь йил давомида 1 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари;

**кичик корхоналар** — жами даромади календарь йил давомида 1 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмгача бўлган ҳамда ушбу банднинг бешинчи хатбошисидаги таъсисчилари (иштирокчилари) юридик шахслар бўлган тадбиркорлик субъектлари;

**ўрта тадбиркорлик субъекти** — жами даромади календарь йил давомида 10 миллиард сўмдан 100 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари;

**ўзини ўзи банд қылған жисмоний шахслар** — меҳнат даромади олишга йўналтирилган, жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар қўрсатиши, ишларни бажариш бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятни мустақил амалга оширадиган, якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинмаган, меҳнат стажи ҳисобга олиниши ва рағбатлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи билан давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар;

**тижорат банки** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли лицензиясига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият юритаётган тиҷорат ташкилоти;

**лизинг компаниялари** — лизинг фаолиятини амалга оширувчи юридик шахс – Ўзбекистон Республикасининг резиденти ҳисобланади;

**микромолия ташкилотлари** — микромолиялаш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахс – Ўзбекистон Республикасининг резиденти ҳисобланади;

**қарз олувчи** — Ўзбекистон Республикаси худудида рўйхатдан ўтган ва фаолият юритаётган тадбиркорлик ташаббусини амалга оширувчи кичик ва ўрта тадбиркорлик субъекти ҳамда ўзини – ўзи банд қилган шахс;

**лизинг** — молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мulkни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради;

**аккредитив** — тўловчи томонидан тўланган ёки тўланиши лозим бўлган маблағ шартнома шартлари бажарилганигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинган тақдирда, маблағларни олувчининг ҳисобига ўтказилишига доир банкнинг шартли мажбурияти;

**банк кафолати** — кафил банклар (гарант банклар)нинг мижозлари мажбуриятларини ўз зиммасига олиши;

**кафиллик** — қарз олувчининг ҳамкор ташкилот олдидағи ўз мажбуриятларини бажариши учун жавоб бериш масъулиятини Компанияга юклайдиган кафиллик шартномаси;

**лойиҳалар** — тадбиркорлик фаолиятидан иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манфаат қўриш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар ва ишлар мажмуи;

**скоринг таҳлил** — бу 1-иловада келтирилган “Кафиллик тақдим қилиш бўйича скоринг таҳлил” омилларга тўғри келишини ажратиб олиш тизими;

**яхши кредит тарихи** — КАТМ скоринг маълумотномасида “В” тоифаси ва ундан юқори тоифасида таснифланган рейтинг;

**NPL** — сифати “қониқарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” деб таснифланган муаммоли кредитлар улуши;

**исломий молиялаштириш тамойили асосида тақдим этиладиган ёрдамлар** – лизинг, ишончли бошқарув, шерикчилик, насия савдо;

**таваккалчилик даражаси паст тиҷорат банклари** - Марказий банкнинг банкларга нисбатан ўрнатилган капитал монандлиги, ликвидлилиги ва қарз олувчилар билан боғлиқ пруденциал нормативларини бажарган ва муаммоли кредитлар улуши (NPL) 5 фоиздан ошмаган тиҷорат ташкилоти;

**таваккалчилик даражаси юқори тижорат банклари** - Марказий банкнинг банкларга нисбатан үрнатылған капитал монандлиги, ликвидлилиги ва қарз олувчилар билан боғлиқ пруденциал нормативларини биттасини ёки бир нечтасини бажармаган ва муаммоли кредитлар улуши (NPL) 5 фоиздан ошган тижорат ташкилоти;

**“Тадбиркор” ахборот тизими** (кейинги үринларда – Ахборот тизим) — электрон ракамли имзодан фойдаланған ҳолда қуидагиларни амалга ошириш имкониятiga эга бўлган ахборот тизими:

Компания молиявий ёрдамларидан фойдаланиш тұғрисида буюртмаларни қабул қилиш ва улар бўйича қабул қилингандан қарорларни электрон тарзда етказиш;

Компания молиявий ёрдамларидан фойдаланиш тұғрисида электрон шартномалар ва ҳисоботлар тузиш, ўзаро маълумотлар алмашиш мақсадида Солиқ қўмитаси, Статистика агентлиги, ҳамкор ва бошқа ташкилотлар ахборот (маълумот) базаси билан интеграциясини амалга ошириш;

Ҳамкор ташкилотлар ва уларнинг мижозларига Компаниянинг Ахборот тизими орқали реал вақт режимида буюртмаларнинг кўриб чиқилиши ҳамда бажарилиши ҳолатини кузатиб бориш имконини бериш.

## **2-боб. Кафиллик тақдим этиш тартиби**

4. Компания томонидан кафиллик тақдим этиш тартиби ушбу Низомга асосан амалга оширилади ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Компаниянинг Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

5. Кафиллик:

- а) Ўзбекистон Республикаси худудида рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган;
- б) тугатилиш босқичида бўлмаган;
- в) уларга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тұғрисида иш қўзғатилмаган;
- г) мурожаат санасида кредитлар ва соликлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлиги бўлмаган;

д) КАТМ скоринг маълумотномасида “Е” тоифасидан юқори таснифланған рейтинг ва Компания ёрдамлари бўйича салбий тарихга эга бўлмаган қарз олувчиларга тақдим этилади.

Бунда, Компания қарз олувчиларнинг кредит шартномасида белгиланған асосий қарз тўловларини тўлаш бўйича мажбуриятни олади (бундан гаров билан таъминланған кафиллик мустасно).

6. Компания кафиллигидан фойдаланаётган бўлишидан қатъий назар “яхши” ва ундан юқори кредит тарихига эга бўлганда, қўшимча кредитлар бўйича белгиланған умумий миқдор ва шартлар доирасида қуидаги талабларга жавоб берувчи қарз олувчиларга қўшимча кафиллик тақдим этилади:

а) охирги ҳисобот даври учун молиявий натижаларга құра фаолиятини зарап билан якунламаганда;

б) 2-сон картотека бүйича қарздорлиги мавжуд бўлмаганда;

в) мурожаат санасида кредитлар бүйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлиги мавжуд бўлмаганда.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги “Камбагалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатышга қаратилган чора-тадбирлар тұғрисида”ги ПФ-93-сон Фармонига асосан мурожаат қиладиган тадбиркорлик субъектларининг амалдаги кафиллик молиявий ёрдами мавжудлигидан ҳамда ташкил этилган давридан қатъий назар Фармонда кўрсатилган миқдор ва шартларда кафиллик тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумат топшириклари ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тавсияномаси асосида кредит тарихи “ўрта” даражада бўлган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар бўйича белгиланган умумий миқдор ва шартлар доирасида амалдаги кафиллик молиявий ёрдами мавжудлигидан ҳамда ташкил этилган давридан қатъий назар қўшимча кафиллик тақдим этилиши мумкин.

7. Компания кафиллиги фақат Компаниянинг Ахборот тизими орқали юборилган буюртма асосида тақдим этилади.

8. Қарз олувчига кафиллик тақдим этилиши мазкур Низомнинг 2-иловасидаги ““Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан кафиллик тақдим этиш схемаси”га мувофиқ амалга оширилади.

9. Мазкур Низомнинг 3-иловасидаги “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан кафиллик тақдим этилмайдиган йўналишларга кафиллик тақдим этилмайди.

Тадбиркорлик субъектлари муаммоларини тезкорлик билан ҳал қилишни таъминлаш мақсадида Компания молиявий ёрдам кўрсатиш (йўналиш)лар рўйхатига Компаниянинг Кузатув кенгаши томонидан ўзгартириш (кенгайтириш ёки қисқартириш) киритилиши мумкин. Бундай ҳолларда Компаниянинг Кузатув кенгаши қарори билан ушбу Низомда кўрсатилган шартлардан фарқли ҳолатларда кафиллик тақдим этилиши мумкин.

### **3-боб. Тақдим этиладиган кафиллик миқдорлари ва ундан фойдаланиш шартлари**

10. Компания томонидан қарз олувчиларга тақдим этиладиган кафиллик миқдори ва шартлари Компаниянинг Кузатув кенгаши қарори асосида белгиланади ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

11. Компания томонидан бир йилда тақдим этилиши мумкин бўлган жами кафилликлар миқдори Компания бизнес режаси, Таваккалчиликни

бошқариш бўлими ҳисоботи ҳамда кафиллик тақдим этиш бўлимлари тақдимномасига асосан ҳамкор ташкилотлар ўртасида тақсимланади.

12. Компания томонидан тақдим этиладиган кафилликларнинг максимал умумий миқдори кафиллик тақдим этилиши учун ажратилган маблағларининг 20 баробари миқдоридан ошмаслиги керак.

2025 йил 1 январдан бошлаб Компания томонидан тақдим этиладиган кафилликларнинг максимал умумий миқдори кафиллик тақдим этилиши учун ажратилган маблағларининг 15 баробари миқдоридан ошмаслиги керак.

13. Кафиллик тақдим этилиши учун ажратилган ҳамда йил давомида йўналтириб бориладиган маблағлар Компаниянинг бизнес – режаси параметрларида кўрсатилади.

14. Кафиллик тақдим этиш шартларига қуидагилар киритилади:

а) қарз олувчига ажратилаётган кредит миқдорлари, фоиз ставкаси, унинг қайтариш вақтларининг аниқлиги;

б) кредитнинг мақсади белгиланганлиги;

в) фойдаланадиган кафиллик миқдорлари;

г) кафиллик воситачилик ҳақи тўланганлиги;

д) қарз олувчининг скоринг таҳлил натижалари.

15. Кафиллик мазкур низомнинг 4-иловасида ““Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан тақдим этиладиган кафиллик миқдори ва шартлари” асосида тақдим этилади.

Бундан, қарз олувчи кафиллик учун гаров таъминоти тақдим этган ҳолатлар мустасно.

Кафиллик гаров таъминоти асосида тақдим этилганда, “Молиявий қўллаб-қувватлаш инструментлари бўйича таъминотни танлаш ва қабул қилиш тартиби”га мувофиқ қабул қилинадиган гаров таъминотининг қийматидан келиб чиқиб, кредит суммасининг 125 фоизгача бўлган миқдорда тақдим этилиши мумкин.

16. Компания кафилликдан фойдаланиш шартларини бузиш ҳолатлари аниқланган тақдирда ҳамкор ташкилотларнинг Бош оғисларини хабардор қилган ҳолда кафиллик тақдим этиш шартномасини бир тарафлама бекор қилишга ҳақли.

17. Ҳамкор ташкилотлар томонидан Компания кафиллиги остида жалб этилган кредит ресурслар ҳисобидан ажратилган кредитлар бўйича кафиллик тақдим этилмайди.

#### **4-боб. Кафиллик учун тақдим этилган буюртмаларни кўриб чиқиши тартиби**

18. Қарз олувчининг шакллантирган сўровномаси ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг буюртмаси кафилликдан фойдаланиш ташаббусига асос ҳисобланади.

19. Ҳамкор ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмаси (агар ҳудудий бўлинмалар мавжуд бўлса) томонидан кредит бериш тұғрисида қарор қабул қилинса – кафиллик олиш учун қарз олувчи томонидан яратилган сўровномани буюртма шаклига келтиради ҳамда кўриб чиқиш учун Бош офисига жўнатади;

Ҳамкор ташкилотлар буюртманинг амалдаги норматив-хуқуқий хужжатлар, ўз кредит сиёсатлари ва мазкур низомга мувофиқлигини кўриб чиқади, хато ва номувофиқликлар аниқланганда уни бартараф этишни сўраб буюртмани ҳудудий бўлинмага қайтаради.

Ҳудудий бўлинманинг масъул ходими буюртмага тегишли ўзгартириш киритиб, ҳамкор ташкилотга кўриб чиқиш учун қайта юборади.

Тўғри шакллантирилган буюртмани ҳамкор ташкилот Компанияга юборади.

Сўровнома ҳамда буюртмада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун қарз олувчи ва ҳамкор ташкилотнинг уни имзолаган мансабдор шахси жавобгар ҳисобланади.

20. Қарз олувчи кафилликдан фойдаланиши учун воситачилик ҳақи тўлайди.

Кафиллик шартномаси воситачилик ҳақи тўлиқ тўланган ҳамда тарафлар томонидан ЭРИ билан имзолангандан сўнг қонуний кучга киради ва томонларнинг мажбурияти юзага келган ҳисобланади.

21. Қуйидаги ҳолатларда кафиллик бериш бўйича ижобий қарор бекор бўлади ва ҳамкор ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмасига жўнатилган хабарнома ижросиз колдирилади:

кафиллик шартномаси белгиланган муддат мобайнида ҳамкор ташкилот ҳудудий бўлинмаси ва қарздор томонидан имзоланмаса;

бир марталик воситачилик ҳақи белгиланган муддат мобайнида тўлиқ миқдорда тўлаб берилмаса;

кредит маблағлари кафиллик шартномаси имзоланишидан олдин ажратилса.

22. Кафиллик шартномаси муддатини узайтириш Компания билан келишилган ҳолда амалга оширилади ва белгиланган миқдорларда қўшимча воситачилик ҳақи олинади.

## **5-боб. Тақдим этиладиган кафиллик учун воситачилик ҳақини олиш тартиби**

23. Тақдим этиладиган кафилликлар учун олинадиган воситачилик ҳақи миқдори Компаниянинг тегишли қўмитаси томонидан белгиланади.

24. Воситачилик ҳақи Компания ҳисобварағига қарз олувчининг исталган ҳисобварағи, жумладан, транзит ҳисобварағи орқали ҳам тўлаб берилиши мумкин.

25. Воситачилик ҳақи кредит ажратилған тақдирда қайтариб берилмайды.

26. Воситачилик ҳақи кредит ажратилмаган ҳолларда қарз олувчининг мурожаати ҳамда ҳамкор ташкилотнинг маълумотига асосан қайтариб берилади.

27. Қарз олувчи унга ажратилған кредитни муддатидан олдин қайтарганда унинг мурожаати ҳамда ҳамкор ташкилотнинг маълумотига асосан тўланган воситачилик ҳақи тўланган даврга нисбатан фойдаланилмаган кунлар учун маблағлар қайтариб берилади.

## **6-боб. Кафиллик бўйича олинган мажбуриятларни бажариш тартиби**

28. Қарз олувчи кредит бўйича ўз мажбуриятларини камайтирганда, кредит бўйича қайтарилған қисмига мутаносиб (пропорционал) равишда Компания кафиллиги таъминот таркибидан озод этилади.

29. Қарз олувчи кредит бўйича ўз мажбуриятларини камайтирганда Компания кафиллиги бир қаторда кредитнинг бошқа таъминотлари ҳам таъминот таркибидан озод этилиши мумкин. Бироқ таъминот таркибида фақатгина учинчи шахс кафиллиги ва сугурта полисларининг ўзи қолишига йўл қўйилмайди (кредит ажратилиши жараённида таъминот сифатида Компания кафиллигидан ташқари фақатгина учинчи шахс кафиллиги ва (ёки) сугурта полиси қабул қилинган ҳолатлар мустасно).

Дастлаб қабул қилинган гаров (кўчар ва кўчмас мулклар) таъминоти, бошқа гаров (кўчар ва кўчмас мулклар) таъминотига дастлабки гаров қийматига нисбатан кам бўлмаган қийматдаги гаров таъминотига алмаштирилишига йўл қўйилади.

30. Қарз олувчи кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган санадан (лозим даражада бажармагандан) бошлаб ҳамкор ташкилот 90 календарь куни мобайнида қарз олувчидан кредит бўйича асосий қарзнинг қайтарилмаган суммасини олиш, ундан фоизларни ундириш ва кредит шартномасида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши лозим, жумладан:

қарз олувчининг ҳисобварағидаги маблағларни унинг рухсатисиз олиб қўйиш;

ундирувни таъминотга қаратиш (Компания кафиллиги бундан мустасно).

Таваккалчилик даражаси паст бўлган тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратилған кредитлар бўйича муддати ўтган асосий қарздорликнинг 90 кундан ошган қисми кафиллик мажбурияти тўлиқ бажарилгунга қадар тўлаб борилади.

Таваккалчилик даражаси юқори бўлган тижорат банклари ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан:

кредит рейтинги (кредит тарихи) А ва В рейтингга эга бўлган тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар бўйича муддати ўтган асосий қарздорликнинг 90 кундан ошган қисми кағиллик мажбурияти тўлиқ бажарилгунга қадар тўлаб борилади;

С ва ундан қуи кредит рейтингига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига тўловлар кредит қарздорлигини тўлиқ ундириш юзасидан ижро варака чиқарилган санадан бошлаб 30 кундан сўнг тўлаб борилади.

Тижорат банкларининг таваккалчилик даражаси Таваккалчиликни бошқариш бўлими томонидан ҳар чорак якуни бўйича таҳлил қилиниб ҳамда таҳлил натижаларига кўра кағиллик тақдим этиш шартлари белгилаб борилади.

31. Ушбу бандда назарда тутилган тартиботлар бажарилгандан сўнг, агар кредит шартномасида белгиланган тартибда ҳамкор ташкилот олдидаги қарз суммаси қайтарилмаса, ҳамкор ташкилот Компанияга қуидагилар қайд этилган талабларни қўяди:

кағиллик шартномаси реквизитлари (шартнома тузилган сана, рақами, банк ва Компания кафил бўлган қарз олувчининг номи);

кағиллик шартномаси билан таъминланган кредит шартномаси реквизитлари (шартнома тузилган сана, рақами ва бошқалар);

кредит мақсадли ёки мақсадсиз ишлатилганлиги тұғырланағы маълумот;

қарз олувчининг кредит асосий қарздорлигидан бажарилмаган мажбуриятлари ҳажми бўйича жавобгарликнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиқкан ҳолда, Компаниянинг кағиллик шартномаси бўйича молиявий жавобгарлик миқдори хисоб-китоби;

Компания томонидан тўланадиган маблағлар ўтказилиши лозим бўлган ва тўлов реквизитлари кўрсатилган банк ҳисобварағи.

32. Талабнома (эътиroz) ҳамкор ташкилоти Баш оғисининг ваколатли шахси томонидан имзоланиши ва ташкилот муҳрининг босма изи ёки электрон рақамли имзо (ЭРИ) билан тасдиқланиши керак.

Талабномани (эътиrozни) имзолайдиган шахснинг ваколатини тасдиқлайдиган хужжат нусхаси илова қилинади.

Талабномада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳамкор ташкилоти Баш оғисининг уни имзолаган мансабдор шахси жавоб беради.

33. Тақдим этилган талабнома ва унга илова қилинган хужжатлар ўн иш куни ичидан кўриб чиқилади. Кағиллик мажбуриятини бажаришни рад этиш ҳолатлари мавжуд бўлган тақдирда ҳамкор ташкилотига мавжуд барча эътиrozлар кўрсатилган хатни юборади.

34. Кафиллик бўйича тўлов ҳамкор ташкилотлар томонидан кўрсатилган ҳисобварақقا ўтказилади.

Бунда, ҳамкор ташкилот томонидан тақдим қилинадиган талабномага кредит қарздорликни ундириш бўйича суд томонидан қабул қилинган хужжатлар нусхалари (мавжуд бўлган ҳолларда) илова қилиниши лозим.

35. Компания мажбуриятлари Компания томонидан ҳамкор ташкилотга талабномада кўрсатилган маблағлар тўлиқ ўтказилган пайтдан бажарилган ҳисобланади.

36. Кафиллик бўйича тўловлар тўлангандан сўнг Компания қарз олувчининг бошқа ликвид мулки ҳисобидан, шу жумладан, судга мурожаат қилиш орқали қопланишини регресс тартибида талаб қилишга ҳақли.

37. Компания талабномани қўйидаги ҳолатларда рад этишга ҳақли:

дастлаб қабул қилинган таъминот Компания кафиллиги тўлиқ сўндирилгунга қадар таъминотдан қисман ва/ёки тўлиқ озод этилганда;

дастлаб қабул қилинган таъминот бошқа таъминотга дастлаб қабул қилинган қийматга нисбатан кам қийматдаги таъминотга алмаштирилганда;

Компаниянинг ёзма рухсатисиз кредит шартномаси бўйича мажбуриятларда шахслар алмаштирилганда;

ҳамкор ташкилот томонидан талабнома тақдим этилганда кредитнинг буюртма ва кредит шартномасида белгиланган мақсадларда фойдаланилмаганлиги аниқланганда;

бир марталик воситачилик ҳақи белгиланган муддат мобайнида тўлиқ миқдорда тўлаб берилмаганда.

38. Кафиллик бўйича мажбуриятлар қўйидаги ҳолатларда бекор бўлади:

кредит бўйича асосий қарзнинг кафиллик билан таъминланган қисми тўланганда;

Компания томонидан кафиллик бўйича тўлов амалга оширилганда;

кафиллик тақдим этиш тўғрисидаги шартнома тузилгандан сўнг ҳамкор ташкилотлар томонидан 3 (уч) ой мобайнида кредит ажратилмаганда;

Компанияга нотўри ва/ёки ёлғон маълумотларнинг тақдим қилинганда, ушбу маълумотлар асосида молиявий ёрдам олиниши оқибатида қарз олувчи томонидан мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаганлиги учун Компания жавобгар ҳисобланмайди.

## **7-боб. Кафилликлардан фойдаланишни ҳисобга олиш, ҳисобот бериш ва назорат қилиш тартиби**

39. Компания белгиланган тартибда кафиллик тақдим этиш, фойдаланиш ва уларга йўналтирилган маблағларнинг сарфланишини ҳисобга олади ҳамда улар бўйича ҳисобот тузади.

40. Компаниянинг Кузатув кенгаши муаммоли кафилликлар салмоғи ошиб бораётган ҳамкор ташкилотларнинг ҳудудий бўлимлари томонидан кафиллик тақдим этишни тўхтатиш ваколатига эга.

41. Компаниянинг Ички аудит хизмати ва мониторинг ишларини амалга оширувчи бўлинмалари томонидан кафиллик берилиши ва тўловлар тўланишининг ушбу Низомда белгиланган шартлари, мақсадлари ҳамда тартибига риоя этилишини мониторинг қилинади.

### **8-боб. Яқунловчи қоидалар**

42. Ушбу Низом Компания Кузатув кенгаши қарори билан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

43. Ушбу Низомга қонунчилик ҳужжатлари ўзгартирилганлиги, Компания Уставига, Компаниянинг ички ҳужжатларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан ва бошқа ҳолларда ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.

44. Агар ушбу Низомнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ва/ёки Компания уставига зид келган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва/ёки Компания устави қоидалари қўлланилади.

45. Ушбу Низомни амалга оширишда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда, шу жумладан, суд тартибida ҳал этилади.

“Тадбиркорликни ривожлантириш  
компанияси” акциядорлик жамияти  
томонидан кафиллик тақдим этиши  
тұғрисидаги Низомга

1-илова

**“Кафиллик тақдим этиши бўйича скоринг таҳлил” қилинишида ажратиб олинадиган (рад этиши)  
МЕЗОНЛАРИ**

№	Талаб	Натижা
1	Муддати ўтган кредит қарздорлиги мавжуд бўлса	Рад этиши
2	Ёмон кредит тарихига эга бўлса	Рад этиши
3	Илгари 90 кундан ошган муддати ўтган қарздорлик юзага келган бўлса	Рад этиши
4	Илгари суд жараёнига ўтган қарздорлик юзага келган бўлса	Рад этиши
5	Бюджет олдида қарздорлиги мавжуд бўлса	Рад этиши
6	Кичик ёки ўрта бизнес субъектига тааллуқли бўлмаса	Рад этиши
7	Илгари Компания кафиллигидан фойдаланиб, Компанияга ундирув юзасидан талабнома, эътиroz хатлари келган бўлса ёки тўлаб берилган бўлса	Рад этиши
8	Фаолият юритмаётган субъект бўлса	Рад этиши
9	Компания билан амалдаги кафиллик шартномалари мавжуд мижоз бўлса	Рад этиши
10	Кредит мақсади Компанияга молиявий ёрдам кўрсатиш таъкиқланган йўналишга тааллуқли бўлса	Рад этиши
11	Кредитлар бўйича кафиллик миқдори Низом талабларига мос келмаса	Рад этиши

“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан кафиллик тақдим этиши тұғрисидаги Низомга  
2-илова

**“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти  
томонидан кафиллик тақдим этиши  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Қарз олувчи  <i>(Кичик ва ўрта тадбиркорлык субъектлари ҳамда ўзини – ўзи банд қылган жисмоний шахслар)</i>	Ажратиладиган кредит бүйіча кафилликдан фойдаланиш юзасидан Ахборот тизими орқали ҳамкор ташкилотга сўровнома юбориш.	Заруратга кўра
2-босқич	Ҳамкор ташкилот худудий бўлинмаси	кредит бериш имконияти тұғрисидаги масалани кўриб чиққандан кейин:  кредит ажратиш тұғрисида қарор қабул қилинганды — Ахборот тизимида кафиллик олиш учун тадбиркор сўровномасини буюртма шаклига келтириш ва ҳамкор ташкилотга юбориш;	Ҳамкор ташкилотларнинг ички хужжатларида белгиланган муддатларда
3-босқич	Ҳамкор ташкилотлар	Ҳудуддаги таркибий бўлинмасидан хужжатлар олингандан кейин:  амалдаги норматив-хуқуқий хужжатлар, ўз кредит сиёсатлари ва мазкур низомга мувофиқлигини кўриб чиқади;	Ҳамкор ташкилотларнинг ички хужжатларида белгиланган муддатларда

<b>Босқичлар</b>	<b>Субъектлар</b>	<b>Тадбирлар</b>	<b>Ижро муддати</b>
		буюртмада хатоликлар аниқланса, ҳамкор ташкилот худудий таркибий бўлинмасига қайтариш; тўғри шакллантирилган буюртмани Компанияга жўнатиш.	
4-bosqich	Компания	Буюртмани кўриб чиқиш, кафиллик тақдим этиш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш.	3 иш куни давомида
5-bosqich	Компания	Ҳамкор ташкилотнинг худуддаги таркибий бўлинмасини қабул қилинган қарор тўғрисида (рад этилган тақдирда — асосли сабаблар кўрсатилган ҳолда) кейинчалик қарз олувчига маълумот бериш учун хабардор қилиш.	1 иш куни давомида
6-bosqich	Ҳамкор ташкилот ва қарз олувчи	Кафиллик тақдим этиш тўғрисида Компаниянинг қарори олинганда: қарз олувчи томонидан тақдим этилган кафиллик учун воситачилик ҳақи тўловини амалга ошириш; кафиллик тақдим этилиши тўғрисидаги шартномани электрон рақамли имзо (ЭРИ) билан имзолаш;	3 иш куни давомида
7-bosqich	Компания	Кафиллик учун воситачилик ҳақини ҳақиқатда келиб тушганини текшириш; Кафиллик тақдим этилиши тўғрисидаги шартномани электрон рақамли имзо (ЭРИ) билан имзолаш	3 иш куни давомида

“Тадбиркорликни ривожлантириш  
компанияси” акциядорлик жамияти  
тomonидан кафиллик тақдим этиши  
тұғрисидаги Низомга  
3-илова

**“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти  
томонидан кафиллик тақдим этилмайдиган  
ЙҰНАЛИШЛАР**

1. Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва (ёки) улар савдосини ташкил этиши;
2. Илгари олинган кредитларни ёки бошқа ҳар қандай қарзни қайтариш.

“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан кафиллик тақдим этиши тұғрисидаги Низомга  
4-илова

**“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти  
томонидан тақдим этиладиган кафиллик  
МИҚДОРИ ВА ШАРТЛАРИ**

T/п	Күллаб- қувватлаш ийналишлари	Ёрдамни олувчиilar	Ёрдам олувчиilar тоифаси	Тақдим этиладиган ёрдамлар миқдори ва шартлари
1.	<b>Тижорат банклари</b> тomonидан миллий ва хорижий валютада ажратиладиган кредитлари бүйича	<b>кичик тадбиркорлик субъектлари*</b>	Ташкил этилганига <b>1 йилдан ошмаган</b>	<b>500 млн сүмгача, бироқ кредитнинг 30 фоизидан ошмаган миқдорда</b>
			Ташкил этилганига <b>1 йилдан 3 йилгача бўлган</b>	<b>1 млрд сўмгача, бироқ кредитнинг 40 фоизидан ошмаган миқдорда</b>
			Ташкил этилганига <b>3 йилдан ортиқ бўлган</b>	<b>2,5 млрд сўмгача, бироқ кредитнинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда</b>
		<b>ўрта тадбиркорлик субъектлари</b>	Ташкил этилганидан қатъий назар	<b>5 млрд сўмгача, бироқ кредитнинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда</b>
2.	<b>Тижорат банклари</b> tomonидан миллий ва хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича	<b>Қорақалпоғистон Республикасида рўйхатга олинган ва фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари</b>	Ташкил этилганидан қатъий назар	<b>2,5 млрд сўмгача, бироқ кредитнинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда</b>

Т/р	Кўллаб- қувватлаш йўналишлари	Ёрдамни олувчилаr	Ёрдам олувчилаr тоифаси	Тақдим этиладиган ёрдамлар миқдори ва шартлари
3.	<b>“20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури доирасида ажратиладиган кредитлар бўйича</b>	<b>Дастур иштирокчилари</b> бўлган тадбиркорлик субъектлари	<b>51 тадан 100 тагача янги иш ўрни яратадиган</b>	<b>3 млрд сўмгача, бироқ кредитнинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда</b>
			<b>101 тадан 200 тагача янги иш ўрни яратадиган</b>	<b>4 млрд сўмгача, бироқ кредитнинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда</b>
			<b>200 тадан ортиқ янги иш ўрни яратадиган</b>	<b>5 млрд сўмгача, бироқ кредитнинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда</b>
4.	<b>Лизинг компаниялари томонидан миллий ва хорижий валютада ажратадиган лизинглари бўйича</b>	<b>Кичик тадбиркорлик</b> субъектлари	Ташкил этилганига <b>1 йилдан ошмаган</b>	<b>200 млн сўмгача, бироқ лизингнинг 30 фоизидан ошмаган миқдорда</b>
			Ташкил этилганига <b>1 йилдан 3 йилгача бўлган</b>	<b>500 млн сўмгача, бироқ лизингнинг 30 фоизидан ошмаган миқдорда</b>
			Ташкил этилганига <b>3 йилдан ортиқ бўлган</b>	<b>800 млн сўмгача, бироқ лизингнинг 30 фоизидан ошмаган миқдорда</b>
		<b>Ўрта тадбиркорлик</b> субъектлари	Ташкил этилганига <b>2 йилдан ошмаган</b>	<b>1 млрд сўмгача, бироқ лизингнинг 30 фоизидан ошмаган миқдорда</b>
			Ташкил этилганига <b>3 йилдан ортиқ бўлган</b>	<b>1,5 млрд сўмгача, бироқ лизингнинг 30 фоизидан ошмаган миқдорда</b>
5.	<b>Микромолия ташкилотлари томонидан миллий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича</b> <i>(Компаниянинг ресурслари ҳисобига ажратиладиган кредитларга кафиллик тақдим этилмайди)</i>	<b>Кичик тадбиркорлик</b> субъектлари ва <b>ўзини-ўзи банд қилган жисмоний шахслар</b>	Ташкил этилганига <b>1 йилдан ошмаган</b>	<b>35 млн сўмгача, бироқ кредитнинг 30 фоизидан ошмаган миқдорда</b>
			Ташкил этилганига <b>1 йилдан 2 йилгача бўлган</b>	<b>100 млн сўмгача, бироқ кредитнинг 30 фоизидан ошмаган миқдорда</b>
			Ташкил этилганига <b>2 йилдан ортиқ бўлган</b>	<b>150 млн сўмгача, бироқ кредитнинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда</b>

\* Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукумат топшириқларини бажариида кафиллик миқдори белгиланмаган тақдирида Компания томонидан ёрдам олувчилаr тоифасидан қатъий назар кафиллик миқдорининг юқори чегараси сақланган ҳолда кредитнинг 50 фоизгача кафиллик тақдим этилиши мумкин.